Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 1 сентябрь, № 181 (9352) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 31 август куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳамда «ШҲТ плюс» форматидаги учрашувда иштирок этиш учун Бишкек шаҳрига келди.





“Манас” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Қасималиев ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида бир қатор хорижий делегациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Бишкек шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Хитой етакчисига Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан йўллаган самимий табриги ҳамда Ўзбекистон — Хитой кўп қиррали муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Келгуси йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 35 йил тўлади. Ушбу қутлуғ санани кенг нишонлаш бўйича тадбирлар дастурини тайёрлаш таклиф этилди.

Сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Барча даражаларда алоқалар изчил мустаҳкамланиб, сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорлик ривожланмоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Томонлар ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги тизимли стратегик мулоқотни давом эттириш ва парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Ўзбекистон “ягона Хитой” сиёсати ҳамда “уч ёвуз куч”га қарши қатъий курашни доимий қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 18 миллиард долларга яқинлашди. Келгусида унинг янада ўсишига ишонч билдирилди.

Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш бўйича янги маррани белгилаш таклиф этилди. Шу мақсадда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳамда Ўзбекистон корхоналарининг Хитойда ўтказиладиган савдо кўргазмаларида фаол иштирокини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар давом эттирилади.

Амалдаги қўшма инвестиция лойиҳалари портфели қарийб 60 миллиард долларни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда 6 мингдан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

Энергетика, кимё саноати, металлургия, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт ва инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ҳамда юқори технологиялар соҳаларида саноат кооперациясининг истиқболли йўналишлари белгиланди. Рақамли иқтисодиёт, тоғ-кон саноати, минерал ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳаларидаги “ўсиш нуқталари” кенгайтирилади.

Технологик шерикликнинг ёрқин намунаси сифатида “BYD” компанияси билан электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик қайд этилди. Ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш режалари қўллаб-қувватланди.

Хитой компанияларига Ўзбекистон ҳудудларидаги қўшма саноат зоналарида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилишда янада фаол иштирок этиш таклиф қилинди.

Хитойнинг етакчи молия институтлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уларнинг мамлакатимиздаги лойиҳалардаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдорлик билдирилди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

САММИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, парламентлар ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари, таниқли сиёсат, жамоат ва дин арбобларидан табрик мактублари келмоқда.

Хорижлик ҳамкорлар ўз мактубларида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган натижаларни қайд этмоқда. Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик муносабатлари ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдаги фаол роли, шунингдек, долзарб халқаро масалаларни ҳал этишдаги конструктив иштироки алоҳида таъкидланмоқда.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий ҳамкорлик изчил кенгайиб бораётгани юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаклари билдирилмоқда. Мактуб муаллифлари дўстлик муносабатлари ва ўзаро манфаатли шериклик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг 35 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлидан ишонч билан бормоқда ҳамда жаҳон майдонида ҳақли равишда юксак нуфузга эга.

Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик хусусиятига эга. Москва ва Тошкент ўртасида барча асосий йўналишларда сермаҳсул шериклик, халқаро масалаларда самарали ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Россия ва Ўзбекистон дўст халқлари манфаатлари йўлида, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида шериклик алоқаларининг бутун мажмуини янада кенгайтиришни таъминлаймиз.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча ватандошларингизга эса бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман!

Ўтган 35 йил давомида, айниқса, сўнгги ўн йилда Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон ўз тараққиётида салмоқли муваффақиятларга эришди. Янги даврдаги дўст қўшни ва ҳар қандай шароитдаги ҳар томонлама стратегик шерик сифатида Хитой томони бундан самимий мамнун.

Ўтган йили биз Сиз билан икки бор учрашиб, Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришнинг янги режаларини белгилаб олдик. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратаман ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида Хитой — Ўзбекистон умумий тақдир ҳамжамиятини барпо этишни илгари суриш борасида Сиз билан биргаликда саъй-ҳаракат қилишга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат, тинчлик ва осойишталик тилайман!

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига мамлакатингиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан самимий тилакларимни йўллайман. Ушбу шонли сана Ўзбекистоннинг бой тарихи ва юксак маданиятини яна бир бор ёдга олиш учун муҳим ва айни муддао бўлган фурсатдир.

Ўзбекистон муҳим ва манзилли ислоҳотларни амалга ошираётгани сари стратегик шериклигимиз ҳам изчил равишда кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Ўтган йил давомида биз умумий манфаатларимизни илгари суриш, жумладан, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлаш, икки томонлама савдо ва инвестицияларни ошириш, энергетика соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий боғлиқликни кенгайтириш йўлида салмоқли ишларни амалга оширдик.

Қўшма Штатлар ҳамкорликнинг янги йўналишларини ўрганар экан, икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлашдан умидвордир. Мустақиллик байрамини нишонлар экансиз, Сизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Ҳурмат ила,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 1 сентябрь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи номидан Сизни ва қардош Ўзбекистонни Мустақилликнинг 35 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман!

Мамлакатингизнинг суверен тараққиёти тарихидаги ушбу қутлуғ сана ҳақли равишда ўзбек халқининг алоҳида фахр-ифтихори ҳисобланади. У миллат бирлиги ва жипслигини, барқарор ўсиш ва тараққиёт сари ишончли ҳаракатни ифода этади.

Юртингизнинг давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва халқаро майдонда ўз нуфузини қарор топтириш борасидаги улкан ютуқлари аслида Сизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган оқилона ва узоқни кўзлаган стратегиянгиз туфайли амалга ошмоқда.

Қозоғистонда қардош Ўзбекистоннинг барча ютуқлари самимий қувонч билан қабул қилинади. Биз халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги, яхши қўшничилиги ва ўзаро кўмагини юксак қадрлаймиз. Кўп қиррали ҳамкорлигимиз мисли кўрилмаган юксак даражада ривожланиб, стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳига тўла мос келмоқда.

Ишончим комилки, келгусидаги биргаликдаги ишларимиз эришилган натижаларни янада кўпайтириш ва Қозоғистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини давлатларимиз равнақи йўлида янги чўққиларга олиб чиқиш имконини беради.

Ушбу тантанали кунда, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга масъулиятли давлат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва қардош Ўзбекистон Республикаси халқини мустақилликнинг 35 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда Ўзбекистон чуқур таркибий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириб, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминламоқда ва халқ турмуш даражасини оширишда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Бугунги кунда Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчиликнинг юксак даражасига етди. Сизнинг яқинда Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифингиз тарихий воқеа бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида чегара масалалари ҳал этилди, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-транзит ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик эса сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Буларнинг барчаси, менинг фикримча, халқларимизнинг тарихий ва маънавий яқинлиги, шунингдек, қардош давлатларимиз ўртасидаги юксак ишонч самарасидир.

Келишилган муддатда Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифини амалга ошириш ва Қирғизистон — Ўзбекистон шериклигини янада мустаҳкамлаш имкониятини мамнуният билан кутаман.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Азиз Шавкат Миромонович!

Тожик халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда дўст Ўзбекистоннинг биродар халқига мамлакат миллий байрами — Мустақиллик кунининг 35 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимизни йўллаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида тараққиёт ва равнақ йўлида эришган ютуқлари кўлами, шунингдек, унинг жаҳон майдонидаги нуфузи юксалиши мисли̇сиз ва таҳсинга сазовор.

Биз ташқи сиёсатимиздаги устувор йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаётган энг яқин қўшнимизнинг ушбу ютуқларидан самимий қувонамиз.

Тожикистонда мустаҳкам тарихий дўстлик ва ўзаро англашув анъаналарига асосланган, вақт синовидан ўтган илиқ ва мазмунли Тожикистон — Ўзбекистон муносабатлари юксак қадрланади ва уларга катта аҳамият берилади.

Биз барча ҳамкорлик соҳаларидаги икки томонлама муносабатларнинг конструктив муҳити, албатта, икки қардош халқнинг туб манфаатларига жавоб берадиган ўзаро манфаатли шериклигимизнинг жадал ривожланишидан мамнунмиз.

Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки томонлама муносабатларимизда мавжуд улкан салоҳиятдан тўлиқ фойдаланган ҳолда стратегик шериклик ва иттифоқчиликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб борамиз.

Ўз томонимиздан бу йўналишда барча зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрмиз.

Ушбу қутлуғ кунда Сизга, азиз Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва барча ишларингизда янги муваффақиятлар, дўст Ўзбекистоннинг биродар халқига эса тинчлик, фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилайман.

Юксак ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Туркманистон халқи ва Ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикасининг бутун қардош халқига мамлакатингиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан самимий табриклар ва энг эзгу тилакларимни йўллаш шарафига муяссарман.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон Республикаси давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришда салмоқли муваффақиятларга эришди.

Ҳозирги вақтда яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро кўмак тамойилларига асосланган Туркманистон — Ўзбекистон муносабатлари тобора жадал ва изчил тус олиб, юксак ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик ва очиқлик билан ажралиб тураётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман. Стратегик хусусиятга эга Туркманистон — Ўзбекистон қардошлик муносабатлари биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан халқларимиз манфаати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, чуқурлашиб боришига қатъий ишонаман.

Ушбу ёқимли фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик, Ўзбекистон Республикасининг қардош халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Азиз биродарим!

Шахсан ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан Сизга ҳамда Сиз орқали қардош халқингизга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қутлуғ 35 йиллиги муносабати билан самимий табриклар ва энг эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Мустақилликка эришилганидан кейинги даврда қардош Ўзбекистон ҳар томонлама ва жадал тараққиёт йўлини босиб ўтди, улкан муваффақиятларга эришди, халқаро майдонда ва минтақада юксак нуфуз ва ҳурмат қозонди.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз ва стратегик қарашларингиз туфайли мамлакатингизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари муваффақиятли амалга оширилди, иқтисодий тараққиётга эришилди, аҳоли ижтимоий фаровонлиги таъминланди.

Ўзбекистоннинг белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиши, барча муваффақиятлари замирида Сизнинг тинимсиз меҳнатингиз, шунингдек, халқингизнинг Сизга бўлган юксак ишончи ва олиб бораётган қатъий давлат сиёсатингизни қўллаб-қувватлаши мужассам. Қардош мамлакат ва иттифоқчи сифатида биз Ўзбекистоннинг ҳар бир ютуғини ўз ютуғимиз деб биламиз ҳамда бундан фахрланамиз. Ҳар гал бетакрор ва меҳмондўст мамлакатингизга ташриф буюрганимда, Ўзбекистоннинг муҳим ютуқларига гувоҳ бўламан. Қардош мамлакатга яқинда амалга оширган давлат ташрифим ва Сиз билан учрашувимни энг ёқимли таассуротлар билан эслайман.

Муштарак тарихий-маданий ришталар, бузилмас дўстлик ва қардошлик асосида қурилган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари бугун ўзининг энг юксак чўққисида. Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларимизни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириш ва чуқурлаштириш биз учун устувор масалалардан биридир.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида давлатлараро алоқаларимиз ва иттифоқчилигимиз кундан-кунга янада мустаҳкамланиб, кўп қиррали ҳамкорлигимиз янги амалий мазмун билан бойиб бораётганидан мамнунман.

Ишончим комилки, биз бундан буён ҳам энг катта бойлигимиз бўлган Озарбайжон — Ўзбекистон бирлигини асраб-авайлаш, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва иттифоқчилигимизни изчил мустаҳкамлаш борасида зиммамизга юкланган шарафли вазифани биргаликда муваффақиятли адо этишда давом этамиз.

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ушбу тарихий кунда Сизнинг ва қардош Ўзбекистон халқининг қувончини баҳам кўриб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, олий давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасига эса барқарор фаровонлик, равнақ ва тараққиёт тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари, азиз қардошим!

Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз Олий Жаноблари ва Сиз орқали қардош ўзбек халқини энг самимий тилакларим билан муборакбод этаман.

Стратегик шеригимиз Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан буён ўтган 35 йил ичида, хусусан, сўнгги йилларда Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда эришган ютуқлари ва халқаро миқёсда қозонган обрў-эътиборидан биз ҳам фахрланамиз.

Сиз Жаноби Олийларининг катта ҳиссангиз ва саъй-ҳаракатларингиз билан яқин ҳамкорлигимиз ҳам икки томонлама, ҳам, аввало, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа кўп томонлама халқаро платформаларда кенгайиб, тобора ривожланаётганини кўриш қувонтиради. 2026 йил 29 январь куни Туркияда ўтказилган Туркия — Ўзбекистон Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг 4-йиғилиши мустаҳкам шериклигимизнинг муҳим натижасидир.

Шунингдек, Анқарада 2026 йил 29-30 октябрь кунлари ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилотининг 13-саммити ва Анталияда 2026 йил 11-12 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган COP31 раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Сиз, азиз биродаримни мамлакатимизда кутиб олишдан мамнун бўламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир бор табриклаб, Сиз Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош ўзбек халқига омонлик ва фаровонлик тилаб, энг эзгу ниятларимни такрор изҳор этаман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги билан самимий табриклайман.

Ўтган йиллар давомида мамлакат суверенитетни мустаҳкамлашда улкан муваффақиятларга эришди. Сиз олиб бораётган сиёсий йўлнинг тўғри ва самарали эканидан давлатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фуқаролар фаровонлигининг юксалиши ва республиканинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани далолат беради.

Минск ва Тошкент ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ўзаро ишонч стратегик шериклик руҳидаги кўп қиррали Беларусь — Ўзбекистон ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг бундан буён ҳам мустаҳкам гарови бўлишига ишонаман.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва масъулиятли давлат лавозимида янги муваффақиятлар, Ўзбекистон аҳолисига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Миср халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига ва дўст ўзбек халқига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги муносабатларнинг юксак даражасини алоҳида таъкидлайман. Халқларимиз манфаатлари йўлида турли соҳалардаги ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш учун қатор масалалар бўйича мувофиқлаштиришни давом эттиришга тайёрлигимни яна бир бор тасдиқлайман.

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари, Сизга бахт-саодат ва муваффақият ҳамда дўст Ўзбекистон халқига доимий фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Энг юксак эҳтиром билан,

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини, шунингдек, Ўзбекистон Ҳукуматини ҳамда дўст ва биродар халқини чин юракдан табриклайман.


Чуқур тарихий-маданий ва цивилизацион боғлиқликларга эга бўлган Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси доимо ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатларга асосланган алоқаларни амалга ошириб келганлар.

Аминманки, ўзаро яқин маслаҳатлашувларни давом эттириш ва эришилган келишувларни амалга ошириш орқали Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик янада ривожланиб, савдо, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, технологиялар, туризм, илмий ва маданий алмашув соҳаларидаги мавжуд кенг салоҳият икки халқнинг ўзаро манфаатларини таъминлаш ҳамда минтақада барқарорлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида янада кўпроқ рўёбга чиқарилади.

Эрон Ислом Республикаси Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиёдаги муҳим ва ишончли шерик деб билади ҳамда ўзаро алоқаларни ҳар томонлама чуқурлаштириш, икки томонлама, минтақавий ва халқаро даражалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган азму қарорини таъкидлайди.

Қодир Эгамдан Сиз Жаноби Олийларига соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасининг дўст ва биродар халқига эса доимий обрў-эътибор, шон-шараф, тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Масъуд ПЕЗЕШКИЁН,
Эрон Ислом Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Покистон халқи ва Ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни йўллайман.

Покистон эътиқодимиз муштараклиги, чуқур тарихий ришталар ва абадий маданий яқинликка асосланган Ўзбекистон билан қардошлик муносабатларига катта аҳамият беради.

Сиз Жаноби Олийларининг жорий йил бошида Покистонга амалга оширган унутилмас ва самарали ташрифингизни мамнуният билан эслайман. Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаши доирасида ўтказилган самарали музокаралар ва эришилган келишувлар савдо, инвестициялар, минтақавий ўзаро боғлиқлик, энергетика, таълим, туризм ва халқларимиз ўртасидаги алмашинув соҳаларидаги ҳамкорлигимизга янги суръат бағишлади.

Сиз Жаноби Олийларига Покистоннинг Ўзбекистон билан кўп қиррали стратегик шерикликни ўзаро манфаатли барча соҳаларда доимий ҳамкорлик ва яқин мувофиқлашув орқали янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва равнақ тилаб, самимий дуолар қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шаҳбоз ШАРИФ,
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Шавкат Мирзиёев, қадрли дўстим!

Европа Иттифоқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан энг самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Ушбу муҳим сана Ўзбекистон эришган ютуқлар ва унинг халқи орзу-интилишларини тараннум этиш учун алоҳида фурсатдир. Сўнгги йилларда мамлакатингиз минтақадаги энг жадал ва тез суръатларда ривожланаётган иқтисодиётлардан бирига айланиб, Марказий Осиёда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, фаровонлик ва ҳамкорликни кенгайтиришда тобора муҳим ўрин эгалламоқда.

Ушбу улкан ўзгаришларда Сизнинг шахсий раҳбарлигингиз муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик алоқаларини таъминлаш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатларингизни, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва “яшил” тараққиётга ўтиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга қўшаётган конструктив ҳиссангизни юксак қадрлайман.

2025 йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий биринчи “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити доирасидаги илк учрашувимизни алоҳида илиқ хотиралар билан эслайман. Айнан ушбу саммитда муносабатларимизни стратегик шериклик даражасига кўтардик. Шунингдек, 2025 йил октябрь ойида Брюсселда бўлиб ўтган учрашувимиз ва Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланганини катта мамнуният билан ёдга оламан. Мазкур битимнинг 2026 йил март ойидан вақтинча қўлланила бошланиши мустаҳкам шериклигимизга янги суръат бағишлаб, барқарор ўзаро боғлиқлик, муҳим хомашё ресурслари, “яшил” энергетика ва рақамлаштириш соҳаларида ҳамкорлик учун янги имкониятлар очди.

Стратегик шериклигимизни янада чуқурлаштириш, тинч, фаровон ва барқарор Марказий Осиё ҳамда Европа ҳақидаги муштарак қарашларимизни рўёбга чиқариш йўлида Сиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришни интиқлик билан кутаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик бардавом бўлиши йўлидаги энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Антониу КОШТА,
Европа Кенгаши Президенти

(Давоми 3-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Жаноблари!
Қадрли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлаётган ушбу қутлуғ айёмда Сизга ўзимнинг энг самимий табрикларимни, халқингизга эса фаровонлик ва равнақ тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Ўзаро ташрифларимиз давоми сифатида Франция Ўзбекистон билан энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва шаҳар инфратузилмаси каби муҳим аҳамиятга эга соҳаларда ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида елкадош бўлиб келмоқда.

Сиз билан ҳамкорлигимизнинг суръати ва кўламини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қатъий қарор қилганман. Шу муносабат билан жорий йилда ўзининг бир йиллигини нишонлаётган стратегик шериклигимизнинг амалий ифодасини мамнуният билан олқишлайман.

Сиз жаҳон миқёсида эътироф этилган буюк астрономлар Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбеклар фаолиятининг узвий давоми сифатида космик дастурни ривожлантиришни устувор вазифалардан бири сифатида белгиладингиз. Ушбу тарихни Сиз билан биргаликда давом эттириш мақсадида жорий йилнинг 9-10 сентябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган коинот масалаларига бағишланган халқаро саммит доирасида Сиз билан кўришиш шарафига муяссар бўлишдан умидворман.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Самимий дўстона тилаклар билан,

Эммануэль МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва ўзбек халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Мени ҳамда делегациям аъзоларини самимий қабул қилганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман. Сиз билан бўлиб ўтган очиқ ва конструктив фикр алмашинуви мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янада чуқурлашувига муҳим ҳисса қўшди.

Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатида Сизга келгусида ҳам катта муваффақиятлар тилайман ва ишонтириб айтаманки, Германия бу борада келажакда ҳам Сизни ишончли ҳамкор сифатида қўллаб-қувватлайди.

Сизга энг эзгу тилакларимни йўллаган ҳолда, ўзбек халқига эркинлик, хавфсизлик ва фаровонликда осойишта келажак тилайман.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,
Германия Федератив Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганининг 35 йиллиги муносабати билан Сиз, муҳтарам Президент Жаноблари ва дўст ўзбек халқига энг самимий табрикларим ҳамда эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги стратегик шериклик тарихий дўстлик ришталарига таянган ҳолда турли йўналишларда изчил ривожланиб, олий даражадаги сиёсий мулоқот имкониятларининг кенгайиши туфайли янги суръат касб этмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик ҳам, шубҳасиз, Тошкент ва Рим ўртасидаги юксак даражадаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан ўзаро мулоқотни чуқурлаштириш ва янги қўшма ташаббусларни илгари суришнинг муҳим воситаси бўлган “Италия — Марказий Осиё” формати доирасидаги келгуси ишларга муваффақият тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг изчил мустаҳкамланиб бораётгани ҳам хизмат қилади. Яқинда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бунинг ёрқин тасдиғидир.

Шу эзгу тилаклар билан, муҳтарам Президент Жаноблари, ушбу қутлуғ сана муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига яна бир бор энг самимий табрикларимни йўллайман.

Сержо МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси Президенти

* * *

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллади:

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти
Нурсултон Назарбоев,

Озарбайжон Республикасининг
Биринчи вице-президенти
Мехрибан Алиева,

Арманистон Республикаси Бош вазири
Никол Пашинян,

Саудия Арабистони Подшоҳи
Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд,

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Бош вазири
Муҳаммад бин Салмон Ол Сауд,

Малайзия Подшоҳи **Султон Иброҳим,**

Малайзия Бош вазири **Анвар Иброҳим,**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён,

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими
Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум,

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири ўринбосари, Президент девони раиси
Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён,

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири
ўринбосари, ички ишлар вазири
Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён,

Сербия Республикаси Президенти
Александр Вучич,

Словения Республикаси Президенти
Наташа Пирц-Мусар,

Словакия Республикаси Президенти
Петер Пеллегрини,

Латвия Республикаси Президенти
Эдгарс Ринкевичс,

Албания Республикаси Президенти **Байрам Бегай,**

Болгария Республикаси Президенти
Илияна Йотова,

Австрия Республикаси Президенти
Александр Ван дер Беллен,

Швейцария Конфедерацияси Президенти
Ги Пармелен,

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия
Бирлашган Қироллиги Қироли **Чарльз III,**

Швеция Қироли **Карл XVI Густав,**

Нидерландия Қироли **Виллем-Александр,**

Рим-католик черкови раҳбари **Лев XIV,**

Сан-Марино Республикаси капитан-регентлари
Аличе Мина ва **Владимиро Сельва,**

Япония Императори **Нарухито,**

Мўғулистон Президенти **Ухнаагийн Хурэлсух,**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти
То Лам,

Сингапур Республикаси Президенти
Тарман Шанмугаратнам,

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
Абдулмажид Теббун,

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос,**

Мавритания Республикаси Президенти
Муҳаммад аш-Шайх ал-Ғазвоний,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
Нурлан Ермекбаев,

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби
Кубаничбек Омуралиев,

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
Асад Мажид Хон,

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
Ҳусайн Иброҳим Тоҳа,

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби
Анда Филип,

ЮНЕСКО Бош директори **Ҳолид ал-Ананий,**

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари
Каха Имнадзе,

“Марказий Осиё — Хитой” формати Бош котиби
Сунь Вэйдун,

Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати Раиси
Бакитжан Сагинтаев,

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси
Ижроия қўмитаси директори **Уларбек Шаршеев,**

Халқаро миграция ташкилоти Бош директори
Эми Поуп,

Америка Қўшма Штатлари Конгресси Сенати аъзоси
Стив Дейнс,

Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари **Кэрол Миллер, Жо Вильсон, Дон Бэкон, Ронни Линн Жексон, Рон Эстес, Брайан Маст, Адам Смит** ва **Ами Бера,**

Озарбайжон Миллий Межлиси депутати,
Ўзбекистон маданияти элчиси **Гунай Афандиева.**

Қутловлар келишда давом этмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик юқори баҳоланди. Ўзбекистон анъанавий ва муқобил энергетика соҳаларидаги шерикликни кенгайтириш ҳамда Хитой компанияларини тинч атом лойиҳаларига жалб этишдан манфаатдор.

Ҳудудлараро алмашинувлар фаол ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари Хитой провинциялари билан фаол ҳамкорлик қилиб, кўпгина қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Май ойида Сиань шаҳрида учинчи Ҳудудлар форуми бўлиб ўтди.

Транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўлини қуриш ишлари самарали давом эттирилмоқда. Мазкур йўналиш Евроосиё транспорт экотизимининг муҳим бўғинига айланиши ҳамда “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги ўзаро боғлиқликни янада кучайтиришига ишонч билдирилди.

Музокаралар давомида туризм ва гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Визасиз тартиб амал қилмоқда, икки мамлакат шаҳарлари ўртасидаги авиақатновлар географиясини кенгайтириш ва парвозлар сонини кўпайтириш режалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Хитой маданият марказларини очиш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда. Йил якунига қадар Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш режалаштирилган. 2027 — 2029 йилларга мўлжалланган маданий тадбирлар дастурини қабул қилиш таклиф этилди.

Илм-фан, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорлик мунтазамлик касб этган. “Лу Бань устахоналари” ва Конфуций институтлари фаолияти ҳамда ҳудудларда қўшма таълим лойиҳаларини ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

Хитой тилини ўрганишни, олий таълим муассасалари ўртасидаги таълим дастурларини янада кенгайтириш ҳамда юртимиз ёшларининг Хитойда таҳсил олиши учун квоталарни оширишдан манфаатдорлик билдирилди.

Космосни ўзлаштириш ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторида қайд этилди.

“Хитой — Марказий Осиё” форматидаги минтақавий шерикликни янада чуқурлаштириш ва унинг келгуси йилда Хитойда бўлиб ўтадиган учинчи саммитига тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти Хитой Раисини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди. Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12 фоизга ошди.

Саноат, энергетика, металлургия, транспорт ва иқтисодиётнинг бошқа устувор тармоқларида йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда.

Ўзаро савдонинг ижобий динамикасини сақлаб қолиш, саноат кооперацияси лойиҳаларини жадаллаштириш, шунингдек, ҳудудлараро алоқаларни фаол давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Икки мамлакат ўртасидаги фаол маданий-гуманитар алмашинувларни келгусида ҳам кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар икки томонлама ва кўп томонлама форматлардаги бўлажак тадбирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммити тадбирлари доирасида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги билан самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

БМТ ва унинг институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Антониу Гутерришнинг Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган шахсий ҳиссасини юқори баҳолади. Бош котибнинг ташкилот тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашини айтди.

Фаол мулоқот ва ўзаро ташрифлар ҳамда Ўзбекистоннинг БМТнинг сайланадиган органлари фаолиятидаги иштироки кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 15 та резолюцияси қабул қилинди.

Антониу Гутерриш Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда катта ютуқларга эришаётганини олқишлади. Бу борадаги ҳамкорликни янада фаол давом эттиришга тайёрлик тасдиқланди.

Суҳбат давомида халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак қўшма тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Горни қабул қилди.

Учрашув аввалида Сержио Гор давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан самимий табриклади ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқот, парламентлараро ва ҳудудлараро алоқаларнинг ижобий суръати ҳамда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг изчил кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Устувор йўналишларда, жумладан, энергетика, транспорт, муҳим минераллар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳа ва ташаббусларни илгари суришни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

“C5+1” формати доирасида бўлажак тадбирларга ҳамда Ўзбекистон — Америка ишбилармонлик ва инвестиция кенгашининг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Покистонни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раисликни қабул қилаётгани билан самимий табриклади.

Жорий йилнинг февраль ойида Исломободга амалга оширилган тарихий ташриф ва бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар муносабатларимизни янги сифат босқичига кўтаргани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот давомида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика бўйича ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Учрашувда ҳудудлараро ҳамкорлик ва гуманитар йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йилда Хива шаҳрида Ҳудудлараро форум ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани ҳамда Покистонда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунларини ташкил қилиш режалаштирилаётгани қайд этилди.

Тўқимачилик, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа муҳим соҳалардаги лойиҳаларни жадаллаштириш мақсадида қўшма “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бишкек шаҳрига ташрифи доирасида VI Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

“Бишкек-Арена” стадионида бўлиб ўтган тадбирда ШҲТ давлатлари раҳбарлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Мусобақаларда 90 дан ортиқ мамлакатлардан 3 мингдан зиёд спортчилар, жумладан, Ўзбекистондан 141 нафар вакил иштирок этмоқда. Юртдошларимиз 30 та спорт тури, хусусан, кураш, самбо, армрестлинг, камондан ўқ отиш, от спорти бўйича беллашадилар.

Иштирокчиларга кўчманчи халқларнинг бой маданияти ва тарихи, анъана ҳамда урф-одатларига бағишланган театрлаштирилган саҳна кўриниши намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 1 сентябрь

ДУНЁ НИГОҲИДАГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Мустақилликнинг 35 йиллик тарихи, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган халқ учун давлатчилик пойдеворини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни шакллантириш, замонавий ҳуқуқий ва бошқарув институтларини барпо этиш, жамият ҳаётини янгилаш йўлидаги улкан тарихий тажрибадир.

Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистонни очиқ ҳамда фаол ҳамкорликка интилаётган, иқтисодий салоҳияти ортиб, инсон манфаатлари ва ташаббусига тобора кўпроқ таянаётган давлатга айлантириш йўлида муҳим бурилиш ясади. Бу ўз-ўзидан юз берган жараён эмас, аксинча, йиллар давомида шаклланган сиёсий ирода, халқнинг бунёдкорлик салоҳияти ҳамда янгиланишга эҳтиёжнинг тарихий маҳсули ҳисобланади.

Нуқтаи назар

Бугун Ўзбекистон ҳақида дунё нигоҳи ўзгармоқда. Буни Швециянинг “Agenda Nexus” тадқиқот ва сиёсат институти президенти Оден Агапурнинг “Шавкат Мирзиёев — Шарқ Ренессанси етакчиси” номли мақоласи мисолида ҳам кўриш мумкин.



Муаллиф шу йил 23 — 28 август кунлари Тошкент ва Самарқандда ўтказилган “Ислом цивилизацияси: янги нигоҳ — янги кашфиётлар” халқаро медиафорумида иштирок этган. У қарийб 50 мамлакатдан 300 га яқин журналистлар, олим, тадқиқотчи, медиа раҳбари, продюсер ҳамда мутахассислар қатнашган ушбу форумни Ўзбекистоннинг халқаро имижини бевосита кузатиш имконини берган майдон сифатида юқори баҳолади.

Ўз тарихини чуқур англаган жамият глобал дунёга ўзлигини йўқотмасдан кириб бориши мумкин. Швециялик эксперт Ўзбекистонни тарихий мерос, инсон капитали, модернизация, дипломатия ва глобал амбициялар нуқтаи назаридан чуқур талқин қилган. У буни шундай ифодалайди: *“Тарихий меросни ишончга, ишончни ислоҳотларга, ислоҳотларни эса замонавий миллий Ренессансга айлантириш”*. Яъни тарих фахрланиш манбаигина эмас, келажакни қуриш учун интеллектуал капиталга айланиши керак.

«Шарқ Ренессанси етакчиси» — бу қандай баҳо?

О. Агапурнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёевни “Шарқ Ренессанси етакчиси” сифатида талқин қилиши эътиборга молик. Албатта, тарихий баҳо вақт ўтиши билан шаклланади. Ҳар қандай сиёсий лидернинг тарихдаги ўрнини якуний баҳолаш учун унинг сиёсий қарорларидан ташқари, унинг узоқ муддатли натижалари ҳам кўрилиши керак. Эксперт ҳам сўнгги ўн йилликдаги ислоҳотларнинг ҳақиқий муваффақияти уларнинг институтларга айланиши ва оддий фуқаролар ҳаётида барқарор натижа бераётганида намоён бўлаётганига эътибор қаратган. Хорижий кузатувчи Ўзбекистон олдида турган ислоҳотдан — барқарорликка тамойилини келгуси ўн йилликнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қайд этган.

Бундан ташқари, айни пайтда хорижий илмий адабиётларда Ўзбекистондаги ижобий бурилишлар ҳақида сўз бормоқда. Мамлакатимизнинг тараққиёт йўли халқаро илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топяпти. Масалан, Германиянинг нуфузли “SWP — Stiftung Wissenschaft und Politik” тадқиқот институтининг Ўзбекистон трансформациясига бағишланган таҳлилига кўра, бу жараёнлар иқтисодий очиқлик, бошқарувни модернизация қилиш, ижтимоий сафарбарлик ҳамда ташқи сиёсатдаги янги ёндашувлар билан бир вақтда кечмоқда.

Америкалик сиёсатшунос Памела Блэкмоннинг “Central Asian Survey” журналида чоп этилган тадқиқотида эса давлатимиз раҳбарининг сиёсий легитимлиги одамлар ҳаётини яхшилашга йўналтирилган ислоҳотлар орқали мустаҳкамлангани таҳлил қилинади. Бу ерда эътибор бериш лозим бўлган нуқта бор. Демак, халқаро илмий нигоҳда ҳам “инсон манфаатлари” Ўзбекистон ислоҳотларининг асосий сиёсий мазмунларидан бири сифатида кўрилмоқда. Буни эса “инсон қадри” тамойилининг халқаро илмий таҳлиллардаги акс садоси сифатида талқин қилишимиз мумкин.

Хорижий публицистлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда фаол минтақавий иштирокчига айланганини эътироф этмоқда. Иқтисодий, дипломатик, маданий ва интеллектуал маконларни боғлай оладиган давлат, шунингдек, таълим сифатини ошириш Учинчи Ренессанснинг фундамент пойдевори сифатида кўриляпти. Унда таълим, технологик тараққиёт, инсон капитали, инновация ҳамда рақамлаштириш ўзаро боғлиқ жараёнлар тарзида уйғуланяпти. Демак, “Ренессанс” тушунчаси тобора кўпроқ таълим, фан, технология, инсон капитали ва маънавий тараққиёт тизими сифатида аҳамият касб этаётир.

Ренессансни тарихий даврги-на эмас, тараққиёт модели сифатида тушунишимиз лозим. Биринчи Ренессанс буюк илмий мактабларни яратган. Иккинчи Ренессанс миллий маърифат ва тафаккур тараққиётига улкан туртки берган. Учинчи Ренессанс эса замонавий Ўзбекистонни билимга асосланган иқтисодиёт, инновацион жамият ҳамда глобал илмий маконнинг фаол иштирокчисига айлантириш ғоясига таяниши керак.

Хорижий тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон ҳақидаги ижобий таҳлиллари, халқаро рейтингларда-ги ўсиш, инвестициялар ва дипломатик алоқаларнинг кенгайиши, албатта, қувонарли.

Ўзбекистоннинг тараққиёт фалсафаси

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида биз ўзимизга савол беришимиз ҳам керак: Ўзбекистон дунёга нима бера олади? Бизнинг жавобимиз фақат хомашё, меҳнат ресурслари ёки географик имкониятлар билан чекланмаслиги керак. Ўзбекистон дунёга илмий мактаблар, технологик ечимлар, инновациялар, юқори малакали мутахассислар, янги авлод университетлари, маданий дипломатия, тинчлик ҳамда мулоқот тажрибаси ва албатта, Марказий Осиё тараққиётининг янги моделини таклиф эта олиши лозим. Ана шунда биз жаҳон саҳнасида “катта ғоя ва катта интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат” сифатида муносиб ўрин эгаллаймиз.

Шундай экан, мустақилликнинг 35 йиллик тараққиёт сабоқларини сарҳисоб қилаётган бугунги тарихий паллада бир ҳақиқат тобора равшанлашмоқда: Ўзбекистоннинг кейинги буюк қадамлари иқтисодиётдан бошланиб, университетларда давом этади, лабораторияларда чуқурлашади ва инсон тафаккурида ўзининг ҳақиқий натижасини топади. Зеро, илмдан бошқа нажот йўқ. Бу Ўзбекистоннинг тараққиёт фалсафаси бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари Мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йилликни “миллий юксалиш даври”, деб атади. Энг муҳими, бу юксалишнинг биринчи ва асосий таянчи сифатида билим ҳамда малака тилга олинди. Яъни янги тарихий босқич марказига яна бир бор инсон, унинг тафаккури, билими ва салоҳияти қўйилди.

Бугун вазифалар салмоғи ва кўлами ҳам бошқача. Олдимизда тараққиёт мустақиллигини таъминлаш, яъни дунёда содир бўлаётган технологик, интеллектуал ва иқтисодий рақобатда ўз ўрнимизни янада мустаҳкамлаш вазифаси турибди. 35 йил айнан шу жиҳатдан тарихий босқич бўлди. Таъкидланганидек, ортда қолган йиллар Ўзбекистон тарихида янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш босқичи сифатида муҳрланди.

Таълим харажат эмас, стратегик капитал

Мустақилликнинг дастлабки даврларида таълим тизимига кўпроқ ижтимоий соҳа сифатида қаралган бўлса, бугун у миллий тараққиётнинг асосий инфратузилмасига айланмоқда.

2016 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамрови 9 фоиз эди. Бугун бу кўрсаткич 44 фоизга етди. Талабалар сони эса 270 мингдан 1,6 миллион нафаргача ошди. Бу статистик ўсишгина эмас, балки жамиятнинг интеллектуал базаси кенгаяётганини ҳам англатади.

Бугунги кунда университетга кириш имконига эга бўлаётган ҳар бир ёш — эртанги иқтисодиётнинг муҳандиси, шифокори, тадбиркори, ўқитувчиси, олими, IT мутахассиси ёки давлат бошқаруви вакили. 2025/2026 ўқув йили бошида расмий статистика бўйича олий таълим ташкилотларида 1 млн. 535 минг талаба таҳсил олган, қизлар улуши эса 51 фоизни ташкил этган. Бу рақам яна бир муҳим тенденцияни кўрсатади, яъни олий таълим тобора оммавий ижтимоий капиталга айланаётир.

Юз берган сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга молик. 2025 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 50 фоизга етди. “Scopus” ва “Veb of Science” базаларида индексланувчи илмий мақолалар сони 7,5 мингдан ошди.

“The Impact Rankings”нинг ўтган йилги натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг 59 та олийгоҳи рейтингда қатнашган, улардан 12 таси жаҳоннинг “ТОП — 1000” университетлари қаторидан жой олган. Глобал инновацион индексда эса Ўзбекистон 2025 йилда 79-ўринни эгаллаб, 2015 йилдагига нисбатан 43 поғонага юқорилади. Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади. Булар — эътироф этишга арзийдиган натижалар. Энди рақобатчимиз фақат қўшни давлатлар эмас, билим иқтисодиётини барпо этаётган бутун дунё ҳисобланади. Шу сабабли, келгуси босқич учун қўйилган камида 10 та университетни жаҳоннинг “ТОП — 1000”талигига киритиш мақсади нафақат олий таълим, балки бутун мамлакат тараққиёти учун вазифадир.

Илм-фан ҳақида гапирганда яна бир муҳим масалани айтиш керак. Яъни фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги масофани янада қисқартириш лозим. Университетлар лабораторияси билан завод цехи, докторант тадқиқоти билан тадбиркорнинг муаммоси, профессорнинг илмий ғояси билан инвесторнинг капитали бир-бирига яқинлашиши зарур. Бу давр талаби ҳамдир.

Миқёс эмас, сифат муҳим

Қайд этиш жоизки, жаҳон саҳнасига чиқишда миқёс эмас, сифат ҳам асосий мезон. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ҳам йилдан-йилга сезиларли даражада кенгаймоқда.

Бугун мамлакатимиз қарийб 170 та давлат билан дипломатик муносабатларга эга. Европа, Осиё, Америка, араб-мусулмон дунёси ва бошқа минтақалар билан алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бу очиқлик иқтисодиётга ҳам, таълимга ҳам, илм-фанга ҳам янги имкониятлар бераётир. Ўзбекистон университетларида хорижий профессорлар фаолият юритмоқда, қўшма дастурлар кўпаймоқда, талабалар алмашинуви кенгаймоқда.

> *“Давлатимиз раҳбари Мустақилликнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йилликни “миллий юксалиш даври”, деб атади. Энг муҳими, бу юксалишнинг биринчи ва асосий таянчи сифатида билим ҳамда малака тилга олинди. Яъни янги тарихий босқич марказига яна бир бор инсон, унинг тафаккури, билими ва салоҳияти қўйилди.”*

Эътибор беринг: ўтган йилда 6 139 нафар профессор-ўқитувчи хорижда малака оширди, 3 859 нафар хорижий профессор-ўқитувчи Ўзбекистон олий таълим жараёнига жалб қилинди. Бу катта билимлар алмашинуви, дегани. Энди эса хорижда билим олиш билан чекланмаслик керак. Биз билим оладиган мамлакатдан билим экспорт қиладиган мамлакатга айланишимиз зарур. Ўзбекистон олийгоҳлари дунёнинг нуфузли университетлари билан тенг ҳуқуқли илмий ҳамкор бўлиши, халқаро талабаларни жалб қилиши, профессорларини глобал илмий маконда танитиши, ўз илмий мактабларини яратиши шарт.

Жаҳон рейтинглари — бизнинг халқаро рақобатдошлигимизни ўлчайдиган муҳим индикатор. Шу сабабли рейтингни белгилайдиган сифат мезонларини ўзимизда яратиш муҳим.

Президентимиз илгари сурган етти миллий дастур келгуси ўн йилликнинг тараққиёт фалсафасини ифодалайди. Билим ва малакани асосий капиталга айлантириш, соғлом ҳамда узоқ умр кўрадиган авлод, юқори технологияли ва юқори унумдор иқтисодиёт, сув ҳамда экологик барқарорлик, қонун устуворлиги, маҳаллаларни тараққиётнинг фаол буюртмачисига айлантириш ва Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ҳамда очиқ давлат сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган дастурлар бир-бирини изчил тўлдиради.

Бешта муҳим йўналишга эътибор

Яна бир жиҳат, янги тарихий босқичда Ўзбекистон олий таълими бешта муҳим йўналишга эътибор қаратиши лозим.

Биринчиси — сифат, яъни асосий мезон битирувчиларнинг билим ва компетенцияси. Иккинчиси — илмий натижадорлик. Мақолалар сони ҳамда сифати, халқаро иқтибос кўрсаткичи, патентлар, технологиялар ва тижоратлаштирилган ишланмалар ҳам асосий “KPI”га айланиши шарт. Учинчиси — меҳнат бозори билан интеграция. Бунда битирувчилар талабалик давридаёқ реал лойиҳалар, корхоналар, стартаплар ва амалий муҳит билан боғланган бўлиши зарур. Тўртинчиси — халқаро рақобат. Университетнинг халқаро мавқеи унинг илмий мактаблари, профессорлари, талабаларининг дунё миқёсидаги натижалари билан ўлчаниши лозим. Ва ниҳоят, бешинчиси — сунъий интеллект ва рақамли трансформация. Келажак университети сунъий интеллект яратадиган, тадқиқ қиладиган ва иқтисодиётга татбиқ этадиган университет бўлиши керак. Келажакнинг энг қимматли мутахассиси ҳали жавоби топилмаган саволларга ечим топа оладиган инсон бўлиши зарур.

Хуллас, келгуси тараққиёт босқичида Ўзбекистоннинг олдида билим ва тафаккурга таянган рақобатбардош давлатга айланиш вазифаси турибди. Бунинг учун белни маҳкам боғлаб, илм нарвонини баландроқ, таъбир жоиз бўлса, самога қадар қўйишимиз керак. Ҳар бир мактабни сифат масканига, ҳар бир университетни билим ҳамда инновация марказига, ҳар бир лабораторияни янги кашфиётлар майдонига, ҳар бир ёшни эса келажакнинг интеллектуал бунёдкорига айлантиришимиз зарур. Чунки XXI асрда дунёни забт этишнинг энг кучли қуроли куч ёки бойлик эмас, ақл-идрок, билим, технология ва инновациядир.

Бизнинг энг катта экспортимиз ҳам келажакда билим, технология ва инсон капитали бўлиши шарт. Шундай экан, Ўзбекистоннинг навқирон 35 йиллиги янги тарихий парвознинг бошланиши, демак. Келгуси ўн йилликда биз иқтисодиётимизни қанчалик технологик, таълимимизни сифатли, илм-фанимизни натижадор, университетларимизни халқаро рақобатбардош ва ёш авлодни янада кучли қила олишимиз мамлакатимизнинг жаҳон саҳнасидаги ўрнини белгилайди.

Дунё бугун Ўзбекистонга қараяпти. Тарихнинг барча буюк бурилишлари бир нуқтада — инсон тафаккурида бошланади. Ўзбекистоннинг Ренессанси ҳам, аввало, инсон тафаккуридан куч олади.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети ректори, профессор.

Қайднома



БУ ОЙДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Мамлакатимизда бугундан бошлаб кучга кирадиган қонунчиликдаги ўзгаришлар нималардан иборат? Қуйида шулар хусусида айрим маълумотларни тақдим этамиз.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва стипендиялар миқдори 7 фоизга оширилади.

Шунингдек:

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 1 360 000 сўм;

— базавий ҳисоблаш миқдори — 440 000 сўм этиб белгиланади.

* * *

Ҳудудларда инклюзив ижодий устахоналар ташкил қилинади.

Бунда инклюзив ижодий устахоналарни ташкил этиш ҳамда уларни дарсликлар ва ижод учун зарур анжомлар билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан ҳар йили 30 млрд. сўм ажратиб борилади.

* * *

Йўловчи томонидан йўлкира ҳақи валидаторлар билан жиҳозланган автобусга чиқиш вақтида қуйидаги усуллар орқали тўланади:

— транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда уни валидация қилиш;

— банк картаси, смартфон ва бошқа контактсиз электрон тўлов турларидан фойдаланиш (NFC, QR, Biometric, BLE, UWB ва бошқа жорий этилаётган технологиялар ёрдамида тўлаш);

— ижтимоий/транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда имтиёзли ёки бепул юриш ҳуқуқини тасдиқлаш.

Йўлкира ҳақи мазкур усуллар орқали автобусга чиқиш вақтида тўланмаганда, йўловчи автобусда чиптасиз юрган деб ҳисобланади.

* * *

Нодавлат театр ва театр-студияларнинг қуйидаги харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади:

— ҳар йили 50 та саҳна асари яратиш харажатлари;

— ҳар ойда хусусий бинони ижарага олиш харажатларининг БҲМнинг 50 бараваригача бўлган қисми.

Давлат маданият объектлари уларнинг бўш вақтларида нодавлат театр ва театр-студияларга спектакль намойиш этиш мақсадида ижара тўловисиз фойдаланиш учун берилади. Бунда томоша заллари учун талабгорлар 2 та ёки ундан кўп бўлган тақдирда, улар орасида танлов ўтказилади.

* * *

Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги нуфузли халқаро ҳамда республика танловлари ғолиб ва совриндорлари қуйидаги миқдорларда 1 мартали пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

— Гран-при ва 1-ўрин ғолиби — халқаро танлов бўйича 300 млн. сўм, республика танлови бўйича 100 млн. сўм миқдорида;

— 2-ўрин соҳиби — халқаро танлов бўйича 200 млн. сўм, республика танлови бўйича 50 млн. сўм миқдорида;

— 3-ўрин соҳиби — халқаро танлов бўйича 100 млн. сўм, республика танлови бўйича 25 млн. сўм миқдорида.

* * *

Қонунчиликка кўра, 2030 йил 1 январга қадар наслчилик хўжаликларига ўстиришга қолдирилган идентификация қилинган урғочи наслдор қорамолларни сақлаш харажатларининг бир қисмини қоплашга ҳар бир давр учун алоҳида қуйидаги миқдорларда субсидия ажратилади:

— биринчи наслдор урғочи бузоқ олинганда — 1,5 млн. сўм;

— иккинчи наслдор урғочи бузоқ олинганда — 2 млн. сўм;

— олинган бузоқ 12 ойликкача сақланганда — 1 млн. сўм;

— олинган бузоқ 12 ойдан 18 ойликкача сақланганда — 1 млн. сўм.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.47 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6